

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2022-YIL 4-FEVRAL, JUMA

№ 5 (1373)

Бугуннинг гапи

“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган эди таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, тарбия нафақат шахсларнинг, шу билан бирга жамиятнинг, миллатнинг маънавий қиёфасини белгилаб берувчи энг муҳим омиллардан биридир.



Бугунги ёш авлоднинг “Тик-токер”-лик васвасасида олаётган турли-туман видеолари орасида ўзгалар ҳаётига дахл қилувчи номақбул кадрларнинг ҳам кўпаяётганлиги мазкур масалага жиддийроқ ёндашишимиз лозимлигидан далолат беради. Шу кунларда ижтимоий тармоқларда тарқалаётган, кўчада кетаётган кишини тепган самарқандлик йигит видео тасвири ҳам шулар сирасидандир. Бирон-бир сабабсиз, шунчаки ижтимоий тармоқ “юдузи” бўлиш илинжида қасдан қилинган ушбу тажовузкорлик кўпчилиكنинг норозилигига сабаб бўлмақда. Ваҳоланки, ҳеч қандай омил ёши улуг инсонларга нисбатан кўпол муносабатда бўлишга сабаб бўла олмайди. Бундай ҳолатлар миллатимиз, маънавий-маданий қарашларимизга тамомила зид тушунчалардир. Азал-азалдан ёшларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тар-

биялаб келадиган халқимиз орасида қадриятларимизга ёт бўлган бундай хунук одатлар авж олиб бораётгани го-ята ачинарлидир. Мазкур воқеа юзасидан олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасида видеодаги ҳолатни содир этган йигитлар Самарқанд шаҳридаги 45-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчилари эканлиги аниқланиб, вояга етмаган йигитларнинг ота-оналарига нисбатан тегишли чоралар кўрилган. Бир болага етти маҳалла ота-она, дейди доно халқимиз. Ён-атрофимизда содир бўлаётган бундай аянчли воқеалар кўпайиб бораётганига қайсидир маънода бебош ёшларнинг ота-оналари баробарида биз ҳам бирдек жавобгар эмасмизми? Бундай иллатларга қарши биргаликда курашмас эканмиз, пана-паналарда майда безориликлар авж олиб бораверади. Умуман олганда, бундай ҳолатларни майда-

безорилик деб ҳам атаб бўлмайди. Қадриятларимизга зид қарашлар ортидан эргашаётган фарзандларимизнинг бундай хунук хатти-ҳаракатларини шунчаки ёшлик бебошликларига йўйиб юрaverар эканмиз, юртимиз ва давлатимиз ёрқин келажagini жиддий хавф остига қўйган бўламиз. Биз “Адолат” социал-демократик партияси фаоллари зўравонликка тамомила қарши инсонлар сафида туриб, юртимиз равнақи йўлида халқимизнинг ўлмас, бебаҳо қадриятларига ҳамоҳанг тарзда, ёшларимизни миллатимизга ёт бўлган ҳар қандай го-я ва қарашлардан ҳимоялаш тарафдоримиз. Бундай шарафли йўлда керак бўлса жиноий жавобгарлик чораларини кучайтиришимиз, фойдасидан кўра зиёни кўп бўлаётган интернет тармоғидаги тик-ток сингари мобил ило-

валарни содир бўлаётган кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда бутунлай блоклашимиз лозим. “Шусиз ҳам тақиқлар мавжуд-ку”, дейишимиз мумкин. Бироқ кўр-кўрона машҳурликка ўч ёшлар онгини заҳарлаб, ижтимоий тармоқда шўхрат қозонишга “олтин кўприк” вазифасини ўтаётган тик-ток билан “тик-токерлар”имиз VPN иловаси орқали улааниш имконияти борлиги бу масалани ҳам ўрганиб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Хасталикни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал. Шундай экан, беркитаётган касаллигимизнинг иситмаси ошкор қилиб турган бир вақтда ҳақиқатга тик боқайлик. Токи кун келиб арзимасдек кўринган яраимиз катталашиб, бутун бошли танамизни еб биртирмасин. “Адолат” СДП Матбуот хизмати

Таълим-тарбия – бу бизнинг келажакимиз, ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ.

Қанчалик мураккаб бўлмасин, мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Чунки биз кўп вақт йўқотганмиз.

Агар кимда-ким мактаб бу фақат Халқ таълими вазирлигининг иши, деб ўйласа, мутлақо янглишади.

Мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар вазирлик ва идоралар, тармоқ раҳбарлари, барча даражадаги ҳо-кимлар, илмий ташкилотлар, зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши шарт ва зарур. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.


Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муносабат

Маълумки, жорий йилнинг 26 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Юртбошимиз ўтган йилги Президент сайловида “Инсон кадри учун”, “Давлат – инсон учун” деган ҳаётбахш ғояларни ил-гарни сурган эди. Уларни амалиётга татбиқ этиш мақса-дида, аҳолининг фикр ва таклифлари асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

ФАОЛИЯТИМИЗГА ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ



Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери
ўринбосари

Шубҳасиз, халқимизнинг ривожланган давлатларга хос ҳаёт даражасига эришишга, адолатли, эркин ва фаровон жамият қуришдек улуг мақсадлари ижобат бўлишига хизмат қиладиган мазкур дастурий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари, бу борадаги устувор вазифалар белгилаб олинди. “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосида ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қартилди.

Тараққиёт стратегияси 7 та устувор йўналиш ва 100 та кенг қўламли мақсадни қамраб олган. Албатта, белгиланган йўналишлар бири иккинчисидан муҳимлиги, жамият тараққиётида мазкур аҳамиятга моликлиги билан кишининг эътиборини тортади. Айни пайтда мазкур дастуриламал ҳужжатнинг иккинчи йўналиши кўпроқ диққатимизни тортади. Эътибор беринг, мазкур йўналиш “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” дея номланади. Ушбу йўналишда белгилаб қўйилган ҳар бир мақсад, ҳар бир банд “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастури билан ҳамоҳанг эканлиги партиядошларимизнинг, қолаверса, биз, депутатларнинг сайловчиларимиз олдида берган ваъдаларимизни амалиётга татбиқ этишимиз учун берилган катта имконият, десак асло адашмаган бўламиз.

“Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш”. Нақадар улугвор вазифа! Нақадар халқпарвар го-я! Зеро, ҳаммамиз яхши биламиз-англаймиз, фақат асл адолат бор жойда тараққиёт бор, фақат асл адолат устувор жамиятда маънавий ва моддий юксалиш бўлади. Фақат қонун устувор бўлган жамиятдагина фуқаролар келажакка қомил ишонч билан яшайдилар. Бундай фавқуллода юксалиш эса биз орзу қиладиган, ишонаётган учинчи Ренессанс ибидоси бўлиб хизмат қилиши муқар-рар!

Машҳурларнинг аёллари



Ўз шеърига ўзи йиғлаган шоир...

Ўзбекистон халқ шоири, элимизнинг сеvimли фарзанди Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ёд олмаган, қўшиқларини севиб тингламаган инсон бўлмаса керак. Унинг содда, равон ва халқчил шеърларида каттаю кичик ўз дарду ташвишини, қувончу шодлигини ҳис этади, шунинг учун ҳам ҳар бир сатрини юрагига жо қилади.

Бугунги суҳбатдошимиз халқимизнинг ана шундай эрка шоири Муҳаммад Юсуфнинг ҳаётига елкадош ва ҳамнафас бўлган рафиқаси, шоира, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси Назира ас-САЛОМдир.

Фракция йиғилиши

ТОВАР АЙРИБОШЛАШДАГИ ТЕХНИК ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАНИШ-БИЛИШ ИЛЛАТМИ?

ЁХУД ИЖТМОИЙ ЮКСАЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ НИМАДА?



ФАОЛИЯТИМИЗГА ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Чин дилдан, мамнуният билан эътироф этайлик, йиғилишда Президентимиз мазкур йўналишнинг асл мазмун-моҳиятини, ўқ ил-дизини, бутун кўламини, аҳамиятини чуқур очиб берди. Чунончи, Юртбошимиз Ўзбекистоннинг "қонун устуворлиги индекси" юқори даражада бўлган давлатлар қаторидан жой олиши олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири эканини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, адолатнинг ўзаги — қонун устуворлигида, жамиятда қонун барча учун баробарлигида. Қайси ривожланган давлатнинг тарихига ёки бугунги кунига назар ташламанг, албатта, жамият амалдаги мустақкам қонунлар талаб-лари, меъёрлари асосида гуллаб-яшнаётганига шохид бўламиз. Айнан қозғоғдаги эмас, амалдаги қонунлар асосида! Хўш, мамлакатимизда қонун устуворлиги индекси юқори бўлиши учун қандай бирламчи вазифаларни ҳаётга татбиқ этишимиз зарур? Президентимиз бу саволга лўнда, аниқ ва муқаммал жавоб қайтардилар. Яъни шу мақсадда мулк ҳуқуқини ишонч-ли ҳимоя қилиш, маъмурий судлар ваколатларини кенгайтириш орқали фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларини кафолатли таъминлаш бўйича янги тизим яратилади.

Ишончимиз қомилки, бу ишлайдиган, ўта самарали янги тизим бўлади. Зеро, фақат яхлит тизим ишлагандагина жамиятда сезиларли даражада ижобий ўзгаришлар амалга ошади. Акс ҳолда, яъни кичик, майда саъй-ҳаракатлар билан қутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Муқам-мал тизим яратилиши, унинг ўз-ўзидан осмондан тушишини ҳам қўтиб ўтириб бўлмайди. Бугун янги замон, Янги Ўзбекистон биздан ёниқ фа-олият, фидойилик ва ватанпарварликни талаб этмоқда. Биз бу талабга "лаббай" деб жавоб бермоғимиз шарт.

Тўғриси, йиғилишда Президентимиз ўртага ташлаган ўтли қаҳирчи мени ҳам тўлқинлантириб юборди. "Ҳамма ислохотларни, ҳамма ҳара-катларни жамият билан бирга қиламиз. Ҳаммамиз бир куч, бир қудрат бў-либ халқимизга хизмат қилишимиз керак!" деди муҳтарам Юртбошимиз.

Ҳа, айнан шундай ишлашимиз керак. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас!

АРЗОН ВА СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Олтиной МАМИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, юртдошларимизни арзон ва сифатли дори воситалари, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Аиникса, бу борада сўнгги беш йилда Ҳаракатлар стратегияси доирасида сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, улар 5 йил давомида барча солиқларни тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, дори-дармон воситалари учун бюджетдан ажратиладиган маблаглар сезиларли равишда оширилди. Хусусан, 2017 йилда дори воситалари ва тиббий буюмлар учун давлат бюджетидан 0,4 триллион сўм маблаг ажратилган бўлса, 4 йил давомида бу кўрсаткич уч баробардан оширилиб, 2020 йилда 1,4 триллион сўм маблаг ажратилди.

Республикамизнинг қатор вилоятларида "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бустонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зона-лари ташкил этилди. Натижада Ўзбекистоннинг фармацевтика бозорига ўсиш динамикаси йилга 8-10 фоизни ташкил этиб, Ўзбекистон фармацевтика бозори МДҲда Россия ва Украинадан кейинги учинчи йirik бозорга айланди. 2021 йил якунига кўра, 9 000 турдаги дори воситалари, 1 684 турдаги тиббий буюмлар ва 1 529 турдаги тиббий техника маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ мамлакатимизнинг келгузи беш йиллик тараққиётини белгилаб берувчи 100 та мақсадлар амалга оширилиши натижасида ушбу соҳадаги кўрсаткичлар янги босқичга қўтарилади.

Хусусан, тараққиёт стратегиясининг 57-мақсадида назарда тутилган вазифаларнинг ҳаётимизга босқичма-босқич татбиқ этилиши натижасида давлат тиббиёт муассасаларидаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш тизими яратилиб, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича алоҳида корхона ва унинг 13 та худудий бўлимини ташкил этилади.

Шу билан бирга, 58-мақсадга кўра, дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш илчил давом эттирилиб, дори-дармон ва тиббий буюмларни олиш худудлар ва маҳаллалар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, замонавий механизмлар асосида етказиб бериш йўлга қўйилди.

Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини 2022 йил — "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 228-бандида ҳам аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлаш, уларнинг нархи асосан равишда ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ноқонуний фармацевтик фаолият ва рецептсиз дори-дармон воситаларини, жумладан, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини сотиш тартибини бузганлиги учун Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан ўтказиладиган текшириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш механизмлари белгилаб берилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, келгузи беш йиллик кўрсатиладиган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қўлайлигини ошириш ҳамда бюджетдан ажратилаётган маблаглардан самарали фойдаланиш тизимининг йўлга қўйилиши орқали минглаб юртдошларимизга ўз вақтида хорижий дав-латларда сарсон бўлмақадан мамлакатимизда саломатлигини тиклаш ва соғ-лиги учун зарарсиз бўлган арзон ва сифатли дори-дармон воситаларини харид қилиш имконияти яратиб берилди.



Сўрашлар муаллифи Сўялфия БАХОВА

ТОВАР АЙРИБОШЛАШДАГИ ТЕХНИК ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Йиғилишда дастлаб "Стандартлаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад стандартларни ихтиёрийлик асосида қўллаш орқали маҳсулотлар, хизматлар ва жараён-ларнинг сифатини ошириш ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозор-ларда рақобатбардошлигини таъ-минлаш, амалдаги қонунчиликни илғор халқро тажриба ва мезон-ларга мос равишда уйғунлашти-риш ҳамда ушбу соҳада қўллани-лаётган тушунчаларни халқро да-ражада тан олинган тушунчалар билан мувофиқлаштиришдан ибор-ат.

Шу билан бирга, депутатлар стандартлаштириш соҳасида ман-фаатдор томонларнинг ўзаро му-носабатларини аниқлаштириш, жаҳон бозорида товар айри-бошлашдаги техник тўсиқларни бартараф этиш, илмий-техник та-раққиёт жараёнига кўмаклашиш ва стандартлаштириш соҳала-рида ҳамкорлик қилиш вазифа-лари ҳам долзарблигини айтиб ўтишди.

Дилмурод ИСМАИЛОВ, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

— Қайд этиш жоизки, қонун лойиҳасида стандартлаштириш соҳа-сида Вазирлар Маҳкамасининг, стан-дартлаштириш бўйича миллий органнинг, давлат бошқаруви ор-ганлари ва ҳўжалик бирлашмалари-нинг, шунингдек, стандартлашти-риш бўйича техник кўмиталар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбурия-лари ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Аҳамиятлиси, ҳозирги кунда стан-дартлаштириш соҳаси 1993 йилда қабул қилинган "Стандартлашти-риш тўғрисида"ги қонун билан тар-тибга солинаётгани ва у қонунда юқорида таъкидлаб ўтилган маса-лалар мавжуд эмаслиги сабаб қонун-нинг ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги ва маънан эскирганли-гини айтиб ўтишди. Биргина мисол, амалдаги қонунда стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқна-шуви мавжуд бўлиб, стандартларни қабул қилишда бетарафлик ва хо-лислик таъминлашишининг қонуний асослари яратилмаган.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда стандар-тлаштириш тизими халқро амалиёт билан уйғунлаштирилиб, маҳсулот-

лар, хизматлар ва жараёнларнинг сифати, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошишига эриши-лади. Шу билан бирга, санаят ин-новацион технологияларни жадал қиритиш орқали маҳсулот ҳамда хизматлар сифати ошади, сифат-сиз маҳсулотларнинг ишлаб чи-қарилиши ва амалиётда фойдалани-лишининг олди олинади, истеъмол-чиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга, шунингдек, фуқаролар, жамият ва давлатнинг сифатли маҳ-сулотларга бўлган эҳтиёжларини қон-диритишга йўналтирилган ҳуқуқий нор-маларнинг самарали ишлашига асос бўлади.

Фракция йиғилишида, шунинг-дек, "Қурол тўғрисидаги қонун-чилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қон-ун ҳўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақи-да"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳа-сида амалдаги қонунлардаги мав-жуд тушунчаларни, қурол турлари ва уларнинг ҳуқуқий маъенини "Қурол тўғрисида"ги қонунга мувофиқлашти-риш, қурол ва унинг ўқ-дорилари му-омаласи соҳасида давлат томонидан

МАКТАБ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИДИР

Жорий йилнинг 28 январь кўни давлатимиз раҳбари мактаб таълимини ривожлантириш маса-ларига бағишланган, мамлакатимиз келажги учун катта аҳамиятга молик йиғилиш ўтказди. Йиғилишда бугун халқ таълими тизими давлат сиёсати даражасидаги асосий масалаларидан бири эканлиги яққол ифодаланиб, бу соҳани тамомла ислох этиш масаласи кўтарилди, таълимни тўб-дан такомиллаштириш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди ва қўллаб мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. "Барча даражадаги ҳокимлар бир нарсани чуқур аниглаб этиши керак — бугундан ҳокимларнинг мактабга эътибор қилиш беш йиллиги бошланади", деди Президентимиз.

Мактаблар инфратузилмасини яхшилаш, қури-лиш ишларини олиб бериш Халқ таълими вазир-лиги зиммасидан ҳокимликлар тасарруфига ўтқи-зилгани барча эътиборни таълим-тарбияга, таъ-лим сифатини оширишга қаратиш учун яна бир катта имкониятлар эшигини очиб берди. Зеро, мактаб эртанги кунимиз эгалари бўлиши ёш ав-лоднинг ёрқин келажиги тамал тошидир.

Ўқитувчи ўқувчиларни билим олишга ундовчи, рағбатлантирувчи, ўз олдига катта мақсад ва мар-ралар қўйиб яшашига замин яратиб олувчи ўз касби-нинг моҳир устаси бўлмоғи лозим. Шу нуқтаи на-зардан давлатимиз раҳбари эндиликда юқори ма-лакали, ўз устида доимий ишлайдиган муал-лимлар фаолиятини янги ёндашувлар асосида қўллаб-қувватлаш, маҳоратли педагоглар тажри-басидан самарали фойдаланиб, уларнинг ўқитиш методикасини оммалаштириш каби вазифаларни илгари сурди. Президентимиз ўқитувчи билими бўлмаса келажак авлодга ҳеч нарса бера олмас-лигини қайд этиб, бугун айрим педагоглар си-

фатли дарс ўтишга эмас, кўпроқ соат олишга ин-тилаётганларини жиддий танқид остига олди. Шу сабабли, таълим тизимида фаолият юритаётган мутасадди раҳбарларга таълимга бўлган ёнда-шувни қайта кўриб чиқиш вазифаси топширилди.

Туман, вилоят ва республика даражасида Мак-таб таълимини ислох қилиш кенгашилари тузи-лади.

"Республика кенгашига шахсан ўзим раҳ-барлик қиламан. Туман ва вилоят кенгашла-рига эса ҳокимлар бош бўлади. Нима учун кенгашлар қиялмиз? Чунки бу ишларни, ал-батта, халқимиз билан, кенг жамоатчилик бил-лан кенгашиб, уларнинг фикрлари асосида амалга оширамиз. Ҳар бир янгиликни ўқитув-чилар, мутахассислар, ота-оналар билан ба-маслаҳат киритамиз", деди давлат раҳбари.

Йиғилиш давомида ўқитувчилар билим ва кў-никмаларини ошириш билан бир қаторда, ўқувчи-лар учун замонавий дарсликлар яратиш таълим-нинг асосий бўғинларидан бири эканлиги алоҳида

такидлаб ўтилди. Аини вақтда янги авлод дарс-ликларини илғор тажрибалар асосида тўлиқ ян-гилаш учун Англия, Франция, Германия каби дав-латлардан қирққа яқин халқро экспертлар жалб қилинган. Юртбошимизнинг дарсликлар яратиш методикасини янгидан ташкил этиш борасидаги таклифлари "Адолат" партияси фаолларини жуда қувонтирди. Мазкур ислохот 2021 йил февраль ойида "Адолат" СДПнинг таълим соҳасида фао-лият олиб борувчи маҳаллий Кенгашлардаги депу-татлар ва партиянинг худудий кенгашилари масъул ходимлари томонидан "Таълим сифати — партия нигоҳида" деб номланган лойиҳа концепцияси до-ирасида "Адолат" СДП ва Халқ таълими вазирли-гининг "Йўл харита"си, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари учун "Миллий ўқув дастури" каби дарсликларнинг ма-зमुнини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқи-лган ўқув дастурларини кенг кўламада амалга оши-риш йўлида партиянинг жамоаси учун яратилаёт-ган яна бир катта имконият бўлди десак, муволаға бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, мактаб таълимини мут-лақо янги босқичга олиб чиқиш йўлида яна бир да-дил қадам қўйилди. Асосий мақсад эса, жадаллик, дадиллик, мақсаддан оғишмай илгарига одимлаш-дир.

"Адолат" СДП матбуот хизмати

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”: ЭҲТИЁЖМАНДЛАР КЎП, ЁРДАМ ҚАНУ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Елена Борисова Яккасарой тумани Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалла фуқаролари йиғинида мавжуд муам-моли ҳолатларни ўрганди.

Ушбу худудда 10 қаватга мўлжаллаб барпо этилаётган "Royal Towers" уй мажмуасидаги қурилиш ишлари шовқин-сурони аҳоли тинчлигига халақит бера-ётгани фуқаролар томонидан ай-тирилиб, масалани ижобий ҳал қи-лишда депутатдан амалий ёрдам сўралди. Е.Борисова ўрганиш жа-

раёнида бунга ечим топилишини маълум қилди. Депутатга маҳаллада олиб бо-рилаётган ишлар бўйича тақдим этилган ҳисоботга кўра, шу худудда II гуруҳ ногирони (эшитмаган, сўз-лашма олмайди), вояга етмаган фар-занди бор ёлғиз аёл яшаши ва унга моддий ёрдам кўрсатиш зару-

лиги аниқланди. Шунингдек, маз-кур маҳаллада яшовчи Айше Ибра-гимова, Камила Хусниддинова ҳам ёлғиз она сифатида моддий ёр-дамга муҳтож экан. Умуман олганда, маҳаллада бундай аёллар сон кўп, аммо уларга шу кунга қадар эътибор қаратилмаган.

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги "Хотин-қизларнинг ижти-момий аҳоли ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўл-маган хотин-қизларни ҳар томон-лама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, уларга давлат то-

монидан манзилли тарзда кўмакла-шиш тизимини жорий қилиш тўғри-сида"ги қарорига мувофиқ, "Аёллар дафтари"га киритилган, Яккасарой тумани Абдулла Қаҳҳор номидаги МФЙ худудига яшовчи хотин-қиз-ларга 2020-2021 йиллар давомида ҳеч қандай моддий ва маънавий ёр-дам кўрсатилмагани ойдинлашди. Депутат бу бўйича барча масалани ўз назоратига оладиган бўлди.

Афзал РАҲИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси

Юзма-юз мулоқотлар

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мақсуд Қурбонбоев хонқалик сайловчилари билан учрашиб, уларнинг яшаш шароити, ўйлантириб келаётган муаммолари билан қизиқмоқда. Аниқланган муаммолар депутатнинг ёрдами билан бирин-кетин ижобий ечимини топмоқда.



ДЕПУТАТЛАР

МУАММОЛАРНИ

ҲАЛ ҚИЛИШМОҚДА



Депутатга туман ҳокими Муродбек Давлетов, туман молия бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан учрашди. Уларнинг аҳолининг ҳаётини янада кучайтираётгани билан аҳолиятли бўлмоқда.

Хусусан, "Ойдин ҳаёт" маҳалласида яшовчи Ибрагим Мадаминовнинг юрагини операция қилиш учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаати бир кун муддатда ўрганилиб, шартномалар бўйича хулоса берилмайдиган бўлди.

"Муқаддас" маҳалласи, "Оқсарой" кўчаси, 356-уйда яшовчи Жўшқинбек Султанова паррандачиликни ривожлантириш бўйича кредит олиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Му-

рожаатчига кредит олиб бериш ишлари бошлаб юборилди.

"Истиқлол" маҳалласида яшовчи Клара Каримованинг бола пули олишда ҳамда иш билан таъминлаш ва парранда боқиш учун амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам қаноатлантирилмайдиган бўлди. Ўрганишлардан сўнг мурожаатчини "Темир дафтар" рўйхатига қайд этиш МФЙ раисига ва моддий ёрдам бериш бўйича туман ҳоқимининг ўринбосари в.в.б. Э.Қурбоновага мурожаат этилди.

"Шодлик" маҳалласи, Амир Темиров кўчаси, 27-уйда яшовчи Рўзика Новатованинг боласининг юрагини операция қилиш учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаати асосан, даставвал боласини

"Темир дафтар"га киритиш ва мутасадди ташкилот раҳбарлари билан 3 кун муддатда мурожаатни ўрганиб чиқиб, ижобий ҳал қилишга келишилди.

"Дўрмон" маҳалласида оқар сув муаммоси юзасидан қилинган мурожаатлар бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди ва муаммо жорий йилнинг 1 мартига қадар бартараф этилиши белгиланди. Шу маҳаллада жойлашган трансформатор муаммоси эса бир ҳафта муддатда бартараф этиладиган бўлди.

"Ёш куч" маҳалласида яшовчи Дилфуза Бобожанованинг моддий ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам қаноатлантирилиб, унинг оиласини 2 қоп ун билан таъминлаш ва мод-

дий ёрдам бериш бўйича туман ҳоқимининг ўринбосари в.в.б. Э.Қурбоновага, уйининг томини таъмирлаш бўйича ўрганиб чиқиб, хулоса бериш юзасидан эса туман ҳоқимининг ўринбосари С.Бекчанов ва молия бўлими бошлиғи Д.Абдуллаевларга мурожаат этилди.

Бир кунлик сафар давомида баён этилган ўнлаб мурожаатларнинг барчаси депутатнинг диққат марказидан жой олди ва бартараф этиш чоралари бошлаб юборилди.

Депутатнинг сайловчилари билан мулоқотлари самарали давом этмоқда.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши
матбуот котиби

Маҳаллий кенгашларда

ҲАР БИР
МУРОЖААТ
ОРТИДА ИНСОН
ТАҚДИРИ БОР

Пастдарғом туманида одамларнинг дарду ташвиши билан яшайдиган, ҳаётини машаққатли ва шарафли вазифаларни бажаришга бағишлаган депутатлар кўпчилигини ташкил этади. Мен ҳам депутат сифатида аҳолига ёрдамим тегаётганидан мамнунман.

Сайловчилар билан учрашувларда, энг аввало, камбағалликни келтириб чиқараётган омишлар, уларни бартараф этиш чоралари билан бир қаторда ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратаман. Хусусан, сайлов округимиз ҳудудидagi 70 дан ортиқ кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бердик. 12 нафар фуқаронинг мавсумий ва доимий бандлигини таъминлашга кўмаклашдик.

Пастдарғом туманидаги "Мирзо Улуғбек" МФЙ аҳоли интернет тармоғидан фойдаланишни йўлга қўйишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бу борада соҳанинг виллоятдаги мутасаддиларига депутатлик сўрови юбордим. Орадан кўп ўтмай жавоб келди. Маълум қилинишича, магистрал кабель масаласида муаммо мавжуд экан. Шу боис бир муддат қуттишимиз сўралган эди. Ростки, қараб турмадик, ҳомийларни жалб қилиб, магистрал тармоқдан 700 метр оптик толлаларни тортиб келинди, аҳолига интернет хизматларидан фойдаланиш учун имконият яратилди.

Тумандаги "Тинчлик" МФЙ аҳолисининг светофор ҳамда тегишли йўл белгиларини ўрнатиш бўйича мурожаати юзасидан Транспорт вазирлиги ҳузуридаги "Боғишамол" йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига депутатлик сўрови йўллади. Мурожаатимизга масъулият билан ёндашган корхона ходимлари томонидан тез кунда светофор ҳамда зарур йўл белгилари ўрнатилди.

"Мирзо Улуғбек" МФЙ ҳудудидида истиқомат қилувчи фуқаро М.Орипова фарзандининг саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдамга эҳтиёжи борлигини бизга маълум қилди. Шу масала юзасидан туман тиббиёт бирлашмасига қилган мурожаатимиз ижобий самара берди, М.Орипованинг фарзандига бир миллион сўмлик бепул дори-дармон ажратилди ва уни даволаш ишлари олиб борилди. Бу оиланинг моддий даромадини яхшилаш мақсадида иш билан бандлигини таъминлашга ҳам эришдик.

Ёрдамга муҳтож яна бир фуқаро Шаҳноза Суюнова "Темир дафтар"га рўйхатга киритилди ва "Бека Чарос" тикув корхонасига ишга жойлаштирилди.

Албатта, мавжуд муаммолардан кўз юмиб бўлмайти ва уларни бартараф этиш зарур. Асосийси, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ва унинг манфаатлари турганлигини унутмаслик керак. Зеро, халқ вакили халқ билан бирга бўлса, биронта мурожаат эътибордан четда қолмайти.

Фируз ТўРАЕВ,
халқ депутатлари Пастдарғом туман Кенгаши депутати



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Абдуғани Умировнинг Қашқадарё вилояти Нишон туманида сайловчилар билан бўлиб ўтган галдаги учрашуви ғоят самарали кечди.

Депутат дастлаб тиббиёт бирлашмаси қошидаги 30 ўринли шойлинич тез тиббий ёрдам, 120 ўринли туғруқ комплекси, 20 ўринли жарроҳлик бўлимини реконструкция қилиш ишларини кўздан кечириди. Курувчилар ва тиббиёт ходимларини ўйлантириб келаётган муаммоларга ечим топди. Энг муҳими, курилиши давом этаётган тиббиёт муассасалари депутат аралашуви билан қисқа фурсатларда фойдаланишга топшириладиган бўлди.

Партиядошимизнинг "Пахтакор" МФЙ аҳолиси билан юзма-юз мулоқоти ҳам мароқли бўлди. Учрашувада фуқаролар номидан Анвар Мамаюсупов маҳалладаги аҳолини қийнаб келаётган айрим камчиликларни баён этди. Шунингдек, Анвар Мамаюсупов шлакоблок ишлаб чиқариш учун банкдан 130 миллион сўм кредит ололмаи юрганлигидан шикоят қилди. Бундан ташқари, "Гулзор" МФЙда умргузаронлик қилаётган Гулҳаё Ёкубова ҳам нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун банкдан 60 миллион сўм, "Байналминал" МФЙда истиқомат

қилувчи, "Асл-неъмат" МЧЖ раҳбари Турғун Акаев автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ускуналарини сотиб олиш учун банкдан 225 миллион сўм кредит ололмаётганлиги сабаб ишлари орқага кетаётганлигидан ташвишланиб, мурожаат қилишди.

Депутат Абдуғани Умировнинг ўз вақтида аҳоли муаммоларини ўрганиб, мутасаддилар иштирокида тезкор ҳал қилишга эътибор қаратгани туфайли юқоридаги тадбиркорларни кредит олиш масаласидаги ўйлантириб келаётган муаммолар ижобий ҳал этилди. Фуқароларга тижорат банкларидан кредит ажратилди.

Депутат Абдуғани Умировнинг одамларнинг дарду ташвишларини тинглаб, уларни ҳал этишга амалий ёрдам кўрсатаётгани учун маҳалла аъзолари мамнун бўлишди.

Нодир ИСОМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати
ёрдамчиси



"Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгашида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Иномжон Қудратов, Н.Джанибекова ва халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар Кенгашлари депутатлари иштирокида онлайн шаклида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирни "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Ж.Комилов очиб, 2021 йил давомида халқ депутатлари вилоят ва туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга 319 та депутатлик сўрови юборилгани, партия дастурий ғояларини амалга ошириш учун 8 та лойиҳа доирасида 217 та тадбир ташкил этилгани ва 9000 нафардан ортиқ иштирокчи жалб қилинганини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, депутатлар ва партия ходимлари "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида йил давомида виллоятдаги маҳаллаларда 2097 та хонадонда ҳамда 21 та хўжалик юритувчи субъектларда ўрганишлар ўтказган. Партиянинг вилоят кенгашига ўтган йили фуқаролардан 289 та мурожаат келиб тушган, шундан 75 фоизи ижобий ҳал қилинган, 20 фоизи юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилган, 5 фоизи бўйича амалий ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ва халқ депутатлари вилоят ҳамда туман, шаҳар Кенгашлари депутатларининг ўзаро ҳамкорликда жойлардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича ишлаши, аҳоли мурожаатларига депутатлик сўровлари ёрдамида ижобий ечим топиш зарурлиги хусусида сўз юритилди.

Жорий йилда депутатлар билан партия фаолиятини янада яхшилаш мақсадида устувор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга ижобий ечим топишда халқ депутатлари туман-шаҳар, вилоят кенгашлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамкорлигини янада кучайтириш, 2022 йилда депутатлик гуруҳлари самарали ишлаши бўйича чора-тадбирларни тасдиқлаш ва шу орқали доимий комиссия, сессияларга масалалар киритишни ошириш, сайловчилар билан учрашувлар сонига эмас, сифатига эътиборни кўпроқ қаратиш юзасидан келишиб олинди.

Сирдарё вилоят кенгаши
матбуот хизмати



Маҳалла йўллари асфальтлаштирилди

Янги Ўзбекистоннинг равнақи, инсон манфаатлари йўлида маҳаллалар ободлиги ва кўрkingа кўрк кўшишда депутатларимиз жонбозлик кўрсатишмоқда.

Хусусан, халқ депутатлари Шохиркон туман Кенгаши депутати Зулфия Ашурова томонидан партиянинг "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида "Калмакон" МФЙ аҳолиси иштирокида мулоқот ўтказилди. Мулоқот жараёнида депутатга маҳалланинг ички йўллари асфальтлаштириш ҳамда кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш юзасидан мурожаат қилинди.

Ушбу мурожаат асосида депутат томонидан туман ободонлаштириш бўлимига депутатлик сўрови юборилди. Унинг масалани ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари туфайли "Калмакон" МФЙ ҳудудидagi "Ф.Хўжаев" ва "Истиқлол" кўчаларининг ички йўллари, "Наврўз" кўчасидан қабристонга ўтиладиган йўлак асфальтлаштирилди ҳамда кўчаларга тунги чироқлар ўрнатилди.

Мухтасар ЗОҲИДОВА,
Бухоро вилоят кенгаши
матбуот котиби

АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ 53 ФОИЗИГА

Юрак-қон томир касалликлари сабаб бўлмоқда

Дунёда йилга 18 миллион киши юрак-қон томир касалликларидан вафот этаяпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида шундай рақамлар келтирилади. Бу эса ўлим ҳолатларининг 53 фоизини ташкил этади. Бошқача айтганда, бугунги кунда 31 фоиз ҳолатларда ўлимнинг сабабчиси юрак-қон томир касалликлари бўлмоқда. Юрак-қон томир тизимидаги касалликлар туфайли вафот этаётган кишиларнинг 75 фоизи даромади паст ва ўрта бўлган мамлакатлар аҳолисига тўғри келади. Яқинда АҚШда ўтказилган илмий тадқиқотларга кўра, бугун аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар ўртасида юрак фалажи ва хуружга учраш ҳолати тобора кўпаймоқда.



Тошпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши раисининг ўринбосари

Ушбу касалликлар оқибатида юзага келадиган ўлим ҳолатлари бўйича юрак-қон томир касалликлари нафақат бизнинг юртимизда, балки бутун дунёда ҳам биринчи ўринда туради. Бунинг асосий сабаблари ташқи муҳитнинг ўзгариши, аҳоли ўртасида кам ҳаракатлилик – гиподинамия, жисмоний ва руҳий зўриқиш, рационда ҳайвон ёғлари кўп бўлган маҳсулотларни кўп истеъмол қилиш, чекиш ва спиртли ичимликларга ружу қўйиш. Ушбу омиллар юрак-қон томир касалликларининг аҳоли орасида кенг тарқалишига ва ёшариб бораётганига асосий сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.

Ҳақиқатдан, юрак-қон томир касалликлари ёшариб бормоқда. Илгари бу касалликлар асосан қарияларда учраган бўлса, ҳозирда 20 ёшли инсонларда ҳам миокард инфаркти, артериал гипертензия, юрак ритмининг ўткир бузилиши каби касалликлар учрамоқда.

Таҳлиллар мамлакатимизда 30-70 ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 53 фоизи ҳанузгача юрак-қон томир касалликларига тўғри келаётгани кўрсатмоқда. Сўнгги беш йилда юрак-қон томир касалликлари 20 фоизга, ҳатто ёшлар орасида ҳам кўпайган. 40 ёшдан юқори аҳолининг 20-25 фоизига гипертензия аломатлари мавжуд. Шу боис, кардиологик ва кардиожарроҳлик хизматлари сифатини яхшилаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мамлакатимиз Президентининг «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айна мақсадларга қаратилган.

Қарорга биноан, 2022 йилдан бошлаб 40 ёшгача бўлган аҳолининг йилига бир марта саломатлик профилли (овқатланиш характери, тамакига қарамликнинг мавжудлиги, тана вазни, артериал босим, қондаги қанд ва холестерин даражаси ва бошқалар) баҳоланади; 40 ёшдан ошган аҳоли бирламчи бўғинда йилига камида бир марта манзилли скрининг текширувларидан ўтказилади; юрак-қон томир касалликлари бўлган 200 миңдан зиёд эҳтиёжманд аҳоли энлаприл дори воситаси билан бепул таъминланади. Бунинг учун 2022–2024 йилларда 12 миллиард сўм ажратилади.

2022 йил якунига қадар туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида юқумли бўлмаган касалликлар, шу жумладан, юрак-қон томир касалликлари ва уларнинг асоратлари профилактикаси, ўз касаллигини доимий назорат қилиб бориш кўникмасини шакллантиришни ўргатувчи «Профилактика мактаблари» фаолияти йўлга қўйилади. Бунда, «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналари ташкил этилиб, беморлар 35 турдаги тарқатма материаллар билан таъминланади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари лабораторияларини коагулометр ускунаси ва зарур реактивлар билан таъминлаш ҳамда «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналарини ташкил этиш учун ҳар бир туман (шаҳар) бюджетларида 350 миллион сўмгача маблағ кўзда тутилади.

Шунингдек, 2022 йилда «Соғлом турмуш тарзи» платформасидан фойдаланувчиларни рағбатланти-

риш мақсадида Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилади. Ҳар йили туман ва шаҳарларда фитнес учун шароитга эга кўчалар мавжуд бўлган биттадан намунали маҳаллалар ташкил қилинади. 2022 йил якунига қадар туман (шаҳар) шифохоналарини 4 турдаги кардиология ускуналари (ЭКГ, ЭхоКГ, холтер-монитор ва дефибрилятор) билан жиҳозлаш ҳисобига кўрсатиладиган хизматлар тури 15 тага етказилади; Республика кардиология марказининг худудий филиалларида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари тури босқичма-босқич 15 турдан 35 тургача оширилади; Марказнинг клиника кўп тармоқли клиника сифатида трансформация қилиниб, юрак-қон томир касалликлари илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил қилинади.

Мазкур лабораторияларни замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш учун Осиё тараққиёт банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки каби халқаро молия ташкилотлари ҳамда Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан 5 миллион доллар йўналтирилади. Шунингдек, оилавий шифокорлар иши самардорлигини ошириш мақсадида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг протоколига асосланган юрак-қон томир касалликлари хавфини баҳоловчи мобил илова яратилиб, амалиётга жорий этилади.

Қарорга биноан, Республика кардиология марказининг мавжуд штатлари доирасида худудий филиаллар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари лавозими жорий этилади. Шунингдек, 2022 йил якунига қадар, кейинчалик эса ҳар йили Гер-

мания, Россия ва бошқа давлатларнинг нуфузли марказларида 30 нафардан кардиолог мутахассисларнинг малакасини ошириш; 14 мингта тиббиёт бригадаларининг оилавий шифокорларини юрак-қон томир касалликларини барвақт аниқлаш ва даволашга ўқитиш; бирламчи бўғиндаги 500 нафар мутахассис кардиология ва лаборатория йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш; оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникаларда шифокор олди кўрик хоналарини ташкил қилиш ҳамда 15 миң нафар ҳамшираларни махсус онлайн курсларда ўқитиш чоралари кўрилади.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2022–2024 йилларда Давлат бюджетидан 272 миллиард сўм маблағ ҳамда халқаро молия ташкилотлари кредит маблағлари ҳисобидан 5 миллион доллар маблағ ажратилади. Қабул қилинган қарор юртимиздаги ислохотлар кўзбўямачилик ёки ҳисобот учун эмас, балки инсон қадрини, мамлакатимиз фуқаролари, келажак авлодининг саломатлиги учун ўтказилаётганининг далилидир.

Шу ўринда бир масалага тўхталмоқчиман. Ўзбекистон учун энг катта бойлик – бу унинг соғлом халқи ва ёшлари. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 26 январь кунини Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан айтилган мана бу фикр ҳам гапимизнинг исботидир: «Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баланддаража тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз».

Инсон қадрини деганда, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишини, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз. Шу билан бирга қабул қилинган қарор кучли ижтимоий ҳимояни энг устувор йўналиш деб билган ва амалда буни таъминлаётган давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир реал қадим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонни ҳамда 2022 йил – «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини имзолади. Мазкур фармон лойиҳаси 2021 йилнинг 30 декабридан 2022 йилнинг 15 январь кунига қадар 2022–2026. strategy.uz, regulation.gov.uz ва jamoatchilik.uz порталлари орқали кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. 2022 йилги Давлат дастури жами 398 та банддан иборат бўлиб, биринчи йўналишда – 45 та, иккинчи йўналишда – 24 та, учинчи йўналишда – 128 та, тўртинчи йўналишда – 59 та, бешинчи йўналишда – 29 та, олтинчи йўналишда – 38 та, еттинчи йўналишда эса 75 та бандни ўз ичига қамраб олган. Шуниси эътиборлики, Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида илгари сурилган вазибалар партияимизнинг Сайловолди дастурига мос келади. Шунинг учун ҳам бу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўрамиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА Таълим барқарор ривожланади

Бундан буён 2022–2026 йилларга мўлжалланган худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда худудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади. Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади. Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Давлат дастурида таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Дастурда таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йил апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юборётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловларини даромад солиғидан озод этиш, ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун давлат бюджетидан 605 миллиард сўм ажратиш, 141 миңта янги ўқув ўринлари яратиш ва уларнинг сонини 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказиш, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриш вазифаси белгиланди.

Дарҳақиқат, таълим сифати ва самардорлигига бу каби қаратилаётган кенг эътибор мамлакатимизнинг билимли ва зукко ёшларини жаҳон талабларига жавоб бера оладиган этиб тарбиялашга замин яратиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, таълим тизимини «оёққа кўймас» эканми, ислохотлар амалга ошмайди. Наҳотимиз мактабда, наҳотимиз таълимда, наҳотимиз билимда. Зеро, таълимга ажратилган сармоя, бу келажакка ажратилган сармоядир. Тараққиётни таълимсиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан бугунги кун ўқувчиларини малакали билим, тинимсиз меҳнат ва ўз касбига фидойиллик талаб қилинади.

Энди бундан буён ҳар томонлама ривожланиб келаётган, ниҳоятда кучли, тақдорлиқ қобилият ва иқтидор эгалари бўлган юрт фарзандларига таълим бериш, тарбиялаш ва камол топтиришдек шарафли касб эгаси бўлган ўқувчиларимизнинг ҳар томонлама маъсулиятини ошириш керак. Аниқ мақсадли инсон энг оғир йўлни ҳам босиб ўта олади. Мақсади йўқ инсон эса, ҳатто силлиқ йўлда ҳам жойидан силжимайди. Бизнинг эса мақсадимиз ҳам, йўлимиз ҳам аниқ. Мана шу йўлдан олға юриб юртимиз равнақи, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшимиз лозим.

Дилрабо ЧОРИЕВА,
Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси

Огоҳлик

Сохта блогердан



Ижтимоий тармоқларда блогер Холмурод Авазов номидан пойтахтимиздаги Янгиҳаёт туманининг раҳбарлари ҳамда депутатларига ноҳақдан-ноҳақ тош отилган матили хабар тарқалди. Унда Янгиҳаёт тумани Спунтик массиви, 6-уй 42-хонадонда бир эмас, уч имконияти чекланган ногирон оила борлиги иддао қилинган холда, улар эътибор ва ғамхўрликдан четлаштирилиб келинаётганлиги, ҳеч бир ёрдам кўрсатилмаганлиги «дос-тон» қилинган. Ушбу оиланинг аъзоси Исмаилова Азизанин тўшақда ётиб қолганлиги, «Эркин ҳаёт» маҳалла раиси, туман сектор раҳбари, ҳокимга бир неча марта мурожаатлари безътибор қолдирилганлиги айтилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур оиладан доимий равишда хабар олиб турилиши, имконияти чекланган оила аъзоларининг барчаси ногиронлик аравачаси билан таъминланганлиги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Г.Азимова томонидан шахсан ўрганилган ва аниқланган.

Хўш, Холмурод Авазов номи остида ижтимоий тармоқларда сохта хабарлар билан бонг ураётган кимсалар ўзларидан сохта блогер ясаб олиб, турли низоларга сабабчи бўлишларини ҳис этадиларми? Блогерлик дегани ижтимоий тармоқларда хоҳлаган куйини чалиб кетавериш дегани эмас-ку, ахир. Унинг ҳам ўз ҳуқуқий мезонлари бўлиши керак, ахир. Биз бу борада тегишли мутасаддилардан жавоб кутиб қоламиз.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,
Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби



КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР:

ИЖТИМОЙ СОҲА

+100%

карантинга жойлаштирилган ота-онага, уларнинг 14 ёшгача боласини парвариш қилаётган шахсга ўртача ойлик иш ҳақининг 100% МИҚДОРИДА ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ Тўланади

+6%

тиббиёт ва бошқа ходимлар коронавирусга қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда ойлик лавозим маошига 6% ҲАР КУНЛИК Қўшимча Тўлов жорий қилинади



карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси бўлган ходим билан МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ иш берувчининг ташаббуси билан БЕКОР ҚИЛИШ ТАҚИҚЛАНДИ



аҳолига вақтинча МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК Тўғрисидаги ҲУҶЖАТЛАРНИ тақдим этишнинг соддалаштирилган тизими ташкил этилади



карантин даврда боғча тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик таътилдан фойдаланиш графигидан қатъи назар (шу жумладан, 6 ойдан кам ишлаганларга) йиллик таътил ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ



карантин даврида ходимларни уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки УЙДАН ТУРИБ ИШЛАШГА ўтказиш мумкин.



Дикқат, янги рух:
ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚОТ

ТАНИШ-БИЛИШ-ИЛЛАТМИ?

2-МАҚОЛА

ЁХУД ИЖТИМОЙ ЮКСАЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ НИМАДА?

Жамиятда мақсадлар ва манфаатларнинг номуносиват келиши адолатли тақсимот тамойилларининг бузилишига сабаб бўлади. Демократия ва бозор иқтисоди зиддиятларини чуқур ўрганган америкалик олим Паренти Майкл фикрига кўра, бозор шароитида жамиятнинг мавжуд иқтисодий чуқур тенгсизлиги жамиятда очиқ тенгсизликни вужудга келтиради. Бундай ривожланган капиталистик ҳукмронлик шароитида эркинлик ва демократияни қанчалик даражада таъминлаш мумкин бўлар экан? Бозор иқтисоди ва демократиядан кутилаётган натижалар ўртасидаги мавжуд зиддиятлар, шунингдек, эркин бозор шароитидаги талончиликнинг кучайиши давлат тарафидан жамият барқарорлигини сақлаш мақсадида кўпроқ репрессив чораларни қўллашга мажбур қилади, деган хулосаларни ўртага ташлайди. Шундай экан, савол туғилади, инсониятнинг оидин ва равшан йўли борми, ўзи? Бозор ва демократия уйғунлигини таъминлаш чоралари нималарда ифодланади?

Бундай жараён фақат инклюзив жамият институтлари шароитида пайдо бўлади. Инклюзив жамият – бу барча ижтимоий қатламларнинг дини, irqи, миллати ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, давлат бошқарувида тенг ваколатли иштирокнинг таъминланганлиги даражаси. Давлатнинг инклюзив институтлари ўз фуқароларини жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий жаҳазларида фаоллигини рағбатлантирувчи ҳуқуқий омилларга эга бўлади. У инсон капиталига олий ресурс сифатида қарайди ва унинг бунёдкорлигига хизмат қилади ҳамда ҳокимият бошқаруви иштирокига сафарбар қилади. Инклюзив тизим инсонларнинг эмин-эркин фаолияти учун давлатнинг институционал тартибларини яратди. Аммо биздаги муаммолар шундан иборатки, давлат аксарият ҳолларда бу институтларнинг муайян қисmini яратиб билиш чекланади ва ахилликдан ҳосил бўлиши мумкин бўлган ислохотларга путур етказилади.

Инклюзив жамиятда асосий эътибор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий адолатли уйғунлаштиришда давлатнинг ҳақамлик ролининг ортим боришига қаратилади. Давлат умумхалқ сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида очиқ ва ўзаро ҳамкорлик мулоқотини ўрнатилган эришади. Энг муҳими, мамлакатдаги сиёсий ва маъмурий ўзгаришларнинг асосий йўналишларида савияли ва манфаатли бошқаруви татбиқ этишга қаратилади. Гарчи иқтисодий ўсиш назарияси кўра, шу пайтгача фойда ва адолат бир-бирига зид, деб қаралган бўлса-да, бугунги кунда кўплаб тадқиқотчилар самарали иқтисод жамиятда адолатнинг таъсирсиз замонвий ривожланиш кўрсаткичи бўлмаганини тан олиб турибди. Иқтисодий бўйича Нобель мукофоти лауреати Майкл Спеннетт фикрига кўра, инклюзив институтлар барқарор ўсишнинг энг муҳим қисмига айланган. Бу ривожланишнинг омили сифатида иқтисоди асосий ғояга сўнади, дейди у. Жумладан, ривожланиш натижасида ҳосил бўлган неъматлар (ресурслар) одамлар учун очиқ бўлиши керак ва даромадлар тенгсизлиги ва асосий хизматлардан фойдаланиш даражаси мақбул чегаралар билан ҳимояланиши керак экан.

Унинг зидди бўлган экстрактив институтлар иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга эмас, балки элита қатлами тарафидан жамиятнинг асосий қисмини эксплуатация қилиш асносида ўз даромадларини максимал даражада кўпайтиришга ва иқтисодий фаолиятини рағбатлантиришга қаратилади. Экстрактив сиёсий институтлар ҳокимиятини тор элитанинг қўлида жамлайди ва бу ҳокимиятдан фойдаланиш бўйича чекловлар қўяди. Ўз навбатида, ҳокимиятдаги элита томонидан кўпинча жамиятнинг бошқа аъзоларидан ресурсларни тортиб олишга мўлжалланган иқтисодий институтларни ташкил этади. Мазкур назарий таълимотлар америкалик олимлар Дарон Аджемоглу, А. Джейм асарида (2012 йилда эълон қилинган) асосланган. Муаллифлар фикрига кўра, инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтлар жамиятнинг танлов сифатида иқтисодий тараққиётга олиб боровчи бирдан-бир йўл, деб қарайдилар. Қаерда иқтисодий ўсишга ҳалал берадиган ва ҳатто ўсишдан тўхтатиб қўядиган экстрактив сиёсий институтларга, иқтисодий институтларга

изн берилса, ўша мамлакат инквизиция юз тутари.

Янги Ўзбекистон раҳбарияти томонидан 2017 йилдан бошланган янгиланиш сиёсати бошқарув усуллари янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатда инклюзив институтларни ҳаракатга келтиришга интилоқда. Давлат хизмати институтларини ташкил этиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш тизимини жорий этиш стратегик вазибаларнинг асосини ташкил қилмоқда. Асосий мақсад — профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгица фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртта садоқатли кадрларга кенг йўл очиб бериш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишга қаратилди. Бу жараёнлар бевосита ҳокимият бўғинларини ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишни тақозо қилади. Конституция ва бошқа қонунларга Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номодонини Бош вазир тақдимидаги бинаон, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш ва Президент томонидан тасдиқлаш тартибидан белгилаш бўйича ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Президент ўз ваколатларини ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар ўртасида тақсимот этиши баробарида марказлашган авторитар бошқарув унсурларини чеклашга интилоқда.

Давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштиришдан тўриб, мамлакат ҳаётини коррупциядан холи, соғломлаштириб бўлмайди. Бошқаруви шакли ва самарали механизмларнинг жорий этилиши, у қанчалик мураккаб, баъзида айрим гуруҳ манфаатларига тескари келмасин, монополиядан айри ҳолда рақобат муҳитини шакллантиришдан юксалтириш ҳам бўлмайди. Шундай экан, муаммо, аввало, Президент томонидан қўйилган кенг қўламли вазибаларнинг катта босимини ҳазм қила олмаётган тизимнинг янгиланиш жараёни оғир кечаётганида бўлса, иқтинидан, шу вазибалар моҳиятини англайдиган электоратнинг оқсоқлигида намоён бўлмоқда. Қатор янгиланишларнинг эълон қилиниши ҳам аслида бири-иккинчига боғлиқ бўлган соҳаларни бирваракайига ривожлантириш, уларга янги импульс бериш, ижтимоий жараёнлар давлатдан ортада қолган эҳтиёжларни қондириш мақсадлари ётади. Айни пайтда, давлат томонидан халқ манфаатлари устуворлигига қаратилган тубдан янги функционал тизимларни жорий этиш вазибаларни белгилаш керак. Хулоса қилганда, талаб ва эҳтиёжлар қонунияти бу фақат иқтисодий категория эмас – бу жамиятнинг ривожланиш фалсафаси. Бозорнинг ўзи ҳеч қачон демократияга олиб келмайди. Уни идрок этган раҳбарларгина даврнинг талабларига жавоб бера оладиган давлат қурилмасини вужудга келтиради. Масала мақсад ва манфаатларнинг муштарак келишида.

Адолатли тақсимот асосига қурилган давлат сиёсатида таниш-билишчилик иллат эмас, аксинча, аҳолини иқтисодий танглиқдан чиқариш ва ривожлантириш омилга айланади. Халқнинг тўй ва маъракалари ҳамisha ахиллик ва молиявий ҳамкорлик асосларида ташкил этилган, аслида. Давлатдан нарҳ ололмаган халқ бири-бирига ёрдам (халқона, физиксиз кредит) билан катта оилавий тадбирларни ўтказиш анъанасини вужудга келтирган. Улар турли хил тўёнлар шаклида ташкил этилади. Физиксиз шакланган халқона кредит ва мол айрибошлаш усули халқнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу сабабдан, халқ асрлар давомида мазкур анъаналардан воз кечмай келмоқда. Албатта, бугун унинг бузилган ва айниган шакллари ҳам йўқ эмас. Лекин монопол зуғумдан холи бўлган, одилона тақсимотга суянган ишлаб чиқариш муносабатлари бундай анъаналарни вақти келиб сиқиб чиқариши ҳам тайин. Чунки аҳолининг ўз меҳнати ва иқтидори билан муайян неъматларга

эга бўлиш имкониятлари (шаффоф тизим) ни кенгайтиради. Ўзига тўқ ўрта қатлам индивид шахсларни вужудга келтиради.

Жамиятда сиёсий институтлар хилма-хиллиги, бозор иқтисоди, хусусий хўжалик юритиш (корпорация, агентликлар, концернлар, қўшма корхоналар, ижара, фермер, ширкат, пудрат) усуллари аслида, бугунги кашфиёт эмас. У ресурсларни адолатли тақсимлашнинг иқтисодий шакли ва услублари. Айнан иқтисодий кашфиётлар ана шундай мулкчиликнинг хилма-хил усуллари заминда яратилади. Хўш, таниш-билишчиликка қандай алоқаси бор, дерсиз? Қадриятлар асосида шаклланган хусусий мулк, умуман, мулк эгаси умумий манфаатларга ҳеч қачон зид бормайди. «Мендан ўтгунча» қабилида иш юритмайди. Иложи йўқ! Ўз корхонасини давлат корхоналаридагидек «таниш-билиш»лар билан суистеъмол этмайди. Ёки лаёқатсиз ва саводсизларни ишга қабул қилмайди. Сиз ҳам танишингизга маънафатсиз нарсани илтимос ва тавсия қилиб, изза бўлишни истамайсиз. Шу тариқа жамиятда майда тижоратдан тортиб то катта давлат миқёсидаги алоқалар шахсан таниш-билишчилик асосида кўпроқ самара беради. Бундай анъаналар ривожланган мамлакатлар амалиётида ҳам анча кенг қўлланилади. Бирон-бир соҳанинг етуқ мутахассисининг тавсияси ёхуд йўлланмаси ёш мутахассис учун ҳаёт йўлини белгилаб беради. Тавсияни ким бергани, кимдан олгани муҳим ижтимоий мавқе касб қилади. Кўплаб мамлакатлар фуқаролари ўзаро президентлари билан шахсан таниш, ҳатто улар билан шахмат ҳам ўйнашади. Лекин мансаб, лавозим ёхуд машина сўрашмайди. Бу ерда муносабатлар ўзаро ишонч ва хурмат, ахлоқий қадриятлар негизда боғланади. Ўзбекча қилиб айтганда, «Аҳмад уста»нинг ёки «Тошмат домўла»нинг номи ҳам брендга айланиши мумкин, агар биз сиёсий-иқтисодий муносабатларимизни инклюзив тарзда қуришга эришсак.

Жамиятда иқтисодий рақобат – бу табиий ва соғлом муносабат. Шу сабабдан иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида одамлар таниш-билишчилик, ҳамкорлик ришталарини боғлайди. Ҳар қандай тадбиркор ёхуд етакчи ўз фаолиятини юксалтириш мақсадида ёнига синашта одамларни ёки ўзи яхши таниган, билган, синовидадан ўтган одамлар тавсиялари билан маҳоратли мутахассисларни таклиф этади ва шунга эҳтиёж сезади. Натижада ишлаб чиқариш, касб-хўна соҳаларида йўқолиб улгурган анъаналар тикланади. Фарзанд ва шоғирдарлар бири корхона, бири илм тарғабдорлари бўлган оталар ва устозлар ишининг давомчилирига айланади. «Гўшти сизники, суяги бизники!», деган гап шундан келиб чиққан. Бошқача қилиб айтганда, маънавий ва моддий муносабатлар уйғунлашуви ўзаро манфаатли муҳитни вужудга келтиради. Бундай жараён самарадорлик ва ўзаро манфаатдорликка эришиш мақсади – одамлар бир-бирига қанчалик бе-

Хуллас, таниш-билиш – у қандай кўринишда бўлмасин, миллий кадриятларимиз мужассамлашган маданиятимиз ифодаси. Унинг ҳаётбахш жозибаси ва ижтимоий аҳамияти жамиятнинг ахлоқий ва адолатли сиёсати билан намоён бўлади. Шунинг учун давлат, совет давридагидек урф-одатлар билан эмас, коррупция билан курашмоғи лозим. Бу борада россиялик олим Виктор Абатуров мазкур мулоҳазаларни бирмунча оидинлаштиришга ёрдам беради. Жумладан, унинг фикрича, протестант моделида асосий эътибор камтарлик юзасидан ошкор этилмайдиган индивидуал бойликка қаратилган мақсадларда намоён бўлса, ўзбеклар ҳолатида, бу оиланинг бойлиги сифатида қаралади, деган фикрни билдиради. Ўзбекларда оилавий бойлик ижтимоий капиталга – оилавий алоқаларни кенгайтиришга ҳисса қўшадиган нуфузли оилавий тадбирларга кўпроқ маблағ сарфланади. Аммо шунинг билан бирга, бу борада оилавий тадбирларнинг муҳим ижтимоий родини таъкидламай бўлмайди. Бу қонда тарихасида турли ижтимоий қатламдаги одамларнинг иштироки билан белгиланади. Унда, бир томондан, камбағалларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш элементлари мавжуд бўлса, бошқа томондан, бундай тадбирлар жамиятнинг ижтимоий бирлашувига ёрдам беради, дейди у. Давлат оиладан бошланиб, жамиятга айланар экан, кадриятларни замонавий ишлаб чиқариш муносабатлари таркибига синдириб бориш миллий яхлитликни таъминлашга хизмат қилади ва ривожланишнинг омилига айланади. Хўш, шундай экан, таниш-билиш иллатми?!

Тўлкин АЛИМАРДОНОВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Абадий ҳақиқатлар

Эркин ВОҲИДОВ

ШОҲБАЙТ

Кўркувнинг кўзи катта,
Юраги кичик бўлур,
Кўркув зўр келган юртда
Арслонлар кучук бўлур.



Ўткир ҲОШИМОВ

КЕТМАС БОЙЛИК

Менда фикр сўм бор. Сизда ҳам бир сўм бор... Мен сизга ўзимнинг пулимни бердим. Мен сизга менга ўзингизнинг пулингизни бердингиз... Ҳеч нима ўзгармади. Сизда ҳам бир сўм қолди, менда ҳам...

Менда янги фикр бор. Сизда ҳам янги фикр бор... Мен сизга янги фикримни айтдим. Сиз ҳам менга янги фикрингизни айтдингиз... Сизда ҳам иккита фикр пайдо бўлди, менда ҳам...

Эсли одам пул алмашмайди. Фикр алмашади!



Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдурган муаллимларнинг бошини силангизлар! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар!

Раҳматulloҳ Бехбудий

Вильям Артур ВАРД,
америкалик ёзувчи, шоир
(1921-1994)

Ўртамеёна ўқитувчи айтади.

Яхши ўқитувчи тушунтиради.

Юқори савияли ўқитувчи кўрсатади.

Буюк ўқитувчи эса

илҳомлантиради.

— Назира опа, сиз жуда гўзал адабий мухитга камол тонгансиз. Ойлангизга, қалбингизга, шикингизга муносиб йигит билан илк учрашуvingиз қай тарзда кечган, демокчман-ки, шеърятта ошuftа дилнинг уни қандай таниган?

— Аввало мени суҳбатга чорлаганингиздан мамнунман. Чунки бугун яқинларимни хотирлаш ҳаётим таъзимига айланган ва бу менга 21 йилдирки, таскин бериб келади. Шундай яқинларимдан бири, албатта, умр йўлдошим! Тошкент шаҳридаги машҳур "Навоий-30" деб номланувчи нашриётлар уйининг 3-қаватида, "Ўқитувчи" нашриётини талабалар йилларимдаёқ, яъни 2-курсда сиртдан ўқиб юрган кезларимда иш бошлаганман. Нашриётларнинг барча ходимлари шу бионинг ошхонасига тушлик қилгани тушишарди. Уша кунни мен ҳам ҳамкасб дугоналарим билан ошхонага отландим. Эгнимда ҳар кунга қўйлақ, сочим майда ўрилган, бошимда дўппи, носкина киз эдим. Негадир дўппи кийиш урф бўлмас ҳам бу менга ёкарди. Хатто гоҳида замонавий кийинганимда ҳам бошимга дўппи кийиб олдим.

Уша кунни ошхона эшигидан нарироқда 3-4 нафар йигитлар бахшлашиб турниганини сезмай ўтиб кетаётганимизда улардан бири менга қараб нимадир деди. Мен индамай, қарамасдан йўлимда давом этдим. Таомланиб бўлганимизча ярим сотадан кўпроқ вақт ўтди. Қайтиб чиқаётганимизда эса эшик олдида бир қорачадан келган озгин йигит турганига кўзим тушди. У кутилмаганда менда гапи борлигини айтиб, уни тинглашимни илтимос қилди. Мен эса яна индамай ўтиб кетавердим. Кейинчалик билсам у йигит мени биринчи кўргандайёқ ёнидаги дўстарига: "Мана шу киз менинг тақдирим. Кўрасизлар, шу кизга албатта уйланиман!" деган экан. Шу тариқа у йигит мени кўпинча бетакларда кутиб турадиган бўлди. Аммо мен ўзимни кўрмаса ҳам, секингина қочиб қолардим.

Нашриёт бионининг учта эшиги бўлиб, мен ишдан сўнг атай хар хил эшиклардан чиқар, трамвайда (16-трамвай мени яшайдиган Бодомзор маҳалласига қарай) кетаётган, у йигитнинг мени кутиб турганини кўрардим.

Бекатларда мени қоларман-да Айтар сўзим қилиб кетамди. Трамвайлар олиб хар кунни Бодомзорга олиб кетамди — шеъри ўша пайларга ёзилган.

Кейинчалик билсам, харбий хизматга кетган экан. Орадан 2 йил вақт ўтган, у яна бизнинг бинода пайдо бўлди.

Йигит энди узокдан мени кузатаётганини, ёнимга келомаса-да, нигоҳларини сезиб турардим. Аммо дадил ёнимга келомасди. У жуда тортинчок кўринарди.

Кунларнинг бирида юртдошим Бахтиёр ака Муҳаммадиев билан сўрашиб ўтарканман, Бахтиёр ака, бу хонадониш Муҳаммад, танишинглар, ўзи андижонлик, деди. Кейин билсам, у Назира билан таништираб қўйди, деб бир неча бор илтимос қилган, Бахтиёр ака, йўқ, у сента тўғри келмайди, деб пайсалга солиб келаркан.

Шу-шу, Муҳаммад ака йўлакда узокдан кўрса ҳам, сал эгилиб сўрашадиган бўлди. У жуда камган ва тортинчок кўринарди.

Кунлардан бир кун "Альманах" журнални хонамга олиб кирди-да: "Шеърларингиз чиқибди. Олиб келдим", деб мендан суюнчи олди. Мен журнални варақларканман, Муҳаммад Юсулов ёзувиги ва суратига кўзим тушиб: "Бу сизми? Сиз ҳам шеър ёзасизми?" дедим. У кулимсираб, ха, дегандай ишора қилди. Шундагина унинг ҳам шеърлар ёзишини билдим.

Муҳаммад ака танимасдан, оиламни билмасдан умрига йўлдош қилиб мени танладилар. Бир кўришдаёқ қарор қабул қилганлар. Яна мени ижодкор сифатида ҳам кадрларини кўп бора исботлаганлар. Уларнинг сиймосида орзуимдаги инсонни кўрганман.

— Янги оиладаги қандай воқеа-ҳодисаларини, шoirнинг шоирага шоирона муносабатларини ширин хотира сифатида эслайсиз?

— Улар менга кўпроқ ўзимнинг шеърларимни ўқитар, айрим маслаҳатлари билан бирга шеърларимга юқори баҳо берадилар. Бу билан мени рағбатлантирмоқчи бўлар, кўпроқ ёзишимни талаб қилардилар. Мен эса уларнинг шеърлари билан тирик эдим. Қайта-қайта ўқийверардим.

У киши ўзига эътиборни жуда қадрлардилар. Баъзида уйда қолганимизда уларни эшик олдида кузатиб чиқишимдан бегуборлик билан севишилларини яширолмас эдилар.

Уйдан кейинги дастлабки пайтларда яқин дугонам Холиданин уйда, Чилонзорнинг Октепасида турардик. Хали ўз уйимиз йўқ, Муҳаммад ака мен билан ишлайдиган дугонам билан ака-синглидай муносабатда бўлиб, унинг оила аъзолари билан ҳам жуда иноқ эдилар. Шунинг учун бу тақдирга рози бўлганлар. Биз ўз ота-онамизнинг бағрида юргандек хис қилардик ўзимизни. *(Оллоҳ рози бўлсин улардан)* Дугонам, унинг синглиси Фарида билан бирга киноларга борардик, муҳокамалар қилардик, шеърлар ўқиларди. Хазил-хузуллар, тортишувлар, самимий суҳбатлар қурардик.

Муҳаммад ака менинги ижодимга жуда эътиборли эдилар. Хатто бир гал мендан яширинча шеърларимни йингиб, ўзларининг шеърлари билан битта тўпламга жамлаганлар. Бунни мендан сир тутганлар. Тўплам нашрдан чиқкач эса уни менга "сюрприз" қилган эдилар. Мен бундан норози бўлганман. Чунки, улар анча танилган, уларнинг тўпламига менинги шеърлар кириши ўзимга ҳам эриш туюлган. Ушанда улар: "Сиз мендан олдин танилган эдингиз. Ўзингизга паст баҳо берманг!", деб менга дакки берган эдилар. Шундай қилиб, "Эрка киийк" тўплами 50 000 нусхада нашр этилиб, тезда таркаб кетган эди. У киши бундай "сюрприз"ларни кўп қилар, менинги ижодимга жуда эътиборли эдилар.

Вафотларидан олдин ҳам шундай тўплам тайёрлаганлар. Мен уни вафотларидан кейин нашр этишига истихода қилдим.

— Устозининг шеърятта ва оилага муҳаббати орасида тафовут бормиди?

— Бу икки муҳаббат бир-бирини доим тўлдириб турган. Шоирнинг шоирлиги, бу — қисмат!

Оиласи бўлмас ҳам шоирлар шеър ёзаверадилар. Лекин ҳаётда тушқунликка тушиб, девонаваш, мажнунона умр кечирадилар, деб ўйлайман. Ҳаётда бунга мисоллар кўп. Оила (рисолладагидай оила бўлса) уни мана шу тушқунликдан, оила таъшишидан, ҳаётдаги зарбалардан асрайди. Шоирнинг оиласига бўлган муносабати шоирга эмас, шоирнинг шахсиятига дахлдор, деб ўйлайман. Шоир оиласини, фарзандларини яхши кўрса, у улардан узокда ижод қилиши кийин. Демак, оила ҳам илхом манбаидир.

Ўз шеърига ўзи йиғлаган шоир...



— Ижод лаҳзалари, илхом нашидасини қўнгил узиб бўлмас гўзал фариштага қислашадими. Шундай налаларда турмуш ўртоғингизнинг бутун борлиги билан ижодга шўнгини сизга эътиборсизлик каби туюлмасиди? Ёки ижодкор сифатида уни тушунамизми?

— Муҳаммад ака, илхом деган тушунчани тан олманлар. "Шоир нимадандир кўнгил тўлса, нимадандир озорланса шеър ёзади. Шеър тупрокка аралашиб ётади. Уни топиб, артиб-суртиб уйга олиб келасан", деганлар бир интервьюларида.

Шоирнинг ҳолатини шоир тушунамса, ким тушунмади. У пайтлар хушёр бўлмасанг, бир ижод дурдониси яралмай қолиши мумкин. У ҳеч кимни кўрмайпти. Хаёли паршон. Олис-олисларга кўз тикиб, гоҳо жим, гоҳо пичирлаб, безовта бўлайпти, тамом, унга ҳалакат берадиган барча овозми, ҳаракатми, болаларми, ҳаммасини тинчиши керак! Фақат ими-жимда, сездирамасдан! Болалар кичкина, бу ҳолатни тушунмади, тушунишни ҳам истамайди.

Минг хушёр бўлсам ҳам, гоҳида мен истамаган вазият содир бўлган вақтлари ҳам бўлган. Бир кун кизим Нозима югуриб дадасининг хонасига кириб, тизасига ўтириб олган. Кутилмаганда ота ўзига келиб, кизиманига илжис овозини кўтариб юборган. Қизим кўнгируқини кўтариб, хўмрайиб чиқиб кетган. Мен югуриб кирганимда, Муҳаммад ака ружкасини шарт синдириб, менга қарадилар. Кўзларидаги жикка ёши қўриб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Бирпасдан сўнг уйдан чиқиб, Нозимани кўтариб олдилар-да,



юзларидан ўпиб, эркалаб, ундан кечирим сўрадилар. Кечаси эса яна ижодга шўнгидилар. Сахар чоғи улар ухлаша ётганларида секин иш кабинетларига кириб, столларига қаралим ва ниҳоят шеър эдингини кўрдим. Уни ўқир эканман, кўзларимдан тиркираб ёш қуйилди. Бу шеър кечаги ҳолатнинг маъсули эди:

*Шухратга ўч бўлсам керак мен зумрох,
Елгон бўлса керак билда нолам ҳам.
Тўпори байтларим ошар пайим соҳ,
Кўзимга кўриммай қолар болам ҳам.*

**Оламни эркалаб, эрка сўз излаб,
Боламини эркалаб бир сўз айтмайман.
Мушқудай суяқалиб келса ҳам, музлаб,
Бетидан бир ўпмай уйдан ҳайдайман.**

**Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,
Билмам, қандай ўйи ҳақ чиқди.
Тузсиз шеърларини деб шириндан-ширин
Қизларим юришар оёқ учиди.**

**Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб,
Мендан нафи кўпроқ теғар элимга.
Шоҳ асар бўлса ҳам, тупурум ўйна —
Боламини йиғлатиб ёзган шеъримга.**

Уларнинг ўзи билан ўзи қолишини, янги шеър дунёга қилишининг рухий ҳолатларини ўзимга эътиборсизлик деб тушунсам, мен ижодкор бўлмасдим ва зўр шоирни йўқ қилган бўлишим мумкин эди...

— Муҳаммад Юсуфнинг кизи бор хонадонларда гулу райоҳлар унинг хақидаги бетакрор сатрларини хар бир киз ёлдан айтади, деса муболага бўлмайди. Шоирнинг ота сифатида қизларига муносабати, муҳаббати қай даражада эди?

— Муҳаммад аканинг ота сифатидаги қизларига муносабати, муҳаббати камдан-кам оталарда бўлса керак. Уларни яқиндан танийдиган ижодкорлар, ҳамкишхоқлари, дўстлари бунга кўп бора гувоҳ бўлишган. У киши учун қизларнинг гапи гап, сўзи сўз, яъни, нима хоҳиш-истаги бўлса мухайё қилар эдилар. Бир кун кенжатоғим Мадина нимадир олиб

лар. Оилага дахлдор бирор режа бўлса мени ҳам, қизларни ҳам йингиб, хар биримиздан фикримизни сўрадилар. Айниқса, тўнғичимиз Маъсуданин хар бир гапини жиддий қабул қилар, кичкиналарнинг ҳам фикрини сўраб қўядилар, негадир.

Дўрмондаги Ёзувчилар боғидаги коттежизимга ёз, баҳор, кузда ҳаммамизни олиб кетар, қизларга машина ҳайдашни, футбол ўйнашни ўргатар, хатто қозонда овқат қилишни ўз зиммасига олардилар. Боғимизга хар хил сабаботлар қилишар, парваришлар хар қизлари билан бирга йиғиштириб олаётганларида қувончлари ичига ситмасди. Баъзида "Октош", "Сўёқок" дам олиш масканларига олиб борардилар.

Катта қизимни узатганимизда ҳеч кўнликмадилар. Хар ҳафта уйига бориб, қўриб келардилар. У биринчи фарзанди Билони дунёга келтирганида мен Андижонда бўлганман. Келгунимча ундан хавотирланиб, туғруқхонага бориб, қудалар билан тонтганча ўтириб чиқибдилар. Туғруқхонадаги аёллар хайрон бўлармиш, таниб қилиб, дераздан қарашармиш.

— Ижод аҳли борки, қўнгил кишиси бўлганлиги боис жуда меҳрталаб, эътибор талаб бўлишарди. Улар учун на моддий бойлик, на тўй-томшадаги олд-бердилар аҳамиятсиз. Ҳаётини тажрибангиздан келиб чиқиб айтинг-чи, шoirнинг рафикаси қандай бўлиши керак?

— Бу таърифлариз аян Маҳаммад акага дахлдор. Ҳа, улар учун маънавий бойлик мумкин эди. Ҳеч қачон моддий бойлик ортидан қувмади. Бор имкониятларидан бировлар учун, халқ учун фойдаланганлар. Кимнингдир контракт пулини тўлашига, кимнингдир мувофот олишига, кимнингдир ўқишга киришига ёрдан берганига гувоҳ бўлганман. Баъзи билмаганларимни эса, мана, 20 йилдан бери эшитиб келяпман. Бу савоб ишлари ҳам уларнинг халқ ичиди сеvimли бўлишига сабаблардан бўлган.

Бунни қаранг-ки, мен улгайган оиланинги тутуми ҳам худди шундай эди. Раҳматли отам Ғайбуллоҳ ас-Салом ҳам фақат илм учун жон қуйдирганлар. Катта бойини ягона ўғиллари бўлишларига қарамай, 7-синфдан ўз эҳтиёлларида ўзлари пул топганлар. Умрбод одамларга ёрдан бериб, савоб йингиб, бизни ҳам шу руҳда тарбиялаганлар. Маънавий бойликни барча моддий бойликдан устун қўйганлар.

Бизни Муҳаммад ака билан эҳтимол дунёқарашимиз бир хил эканлиги янада яқинлаштиргандир. Лекин ижодкор билан яшаш учун бунинг ўзи етарли эмас, деб ўйлайман. Мен уни ҳам, ўзимни ҳам бахтли қилиш учун ўзим яратган маълум қондаларга қатъий рияз қилдим, яъни, қариндош-уруғ, дўст-ёрлар билан бўлаётган тантаналар барҳам бериб, уларнинг хоҳишига қараб ўзимни хар томонлама мослаштирадим: ҳаммиша хушёр бўлиб, дунёга келадиган янги ижод дурдонасини эшитишга ёки ўқишга шай турдим. Яъни, кечалари улар ижод қилаётганларида бедор бўлдим; қиз боласа атаб ёзилган шеърларга беҳуда рашқ қилиб, жанжаллашмадим. Кийимларимнинг ҳаммасини хар қандай шароитда шай қилиб қўйишга ҳаракат қилдим. Чунки уларнинг айнан юешмай қолган қўлақларини қийилари келиб қолиши мумкин; уйда бўлганларида уйдан чиқмасликка ҳаракат қилдим; уйни озода тутиб, ишдан келганларида овқатни дарҳол дастурхонга қўйишга ҳаракат қилдим, неаски, беш дақиқа кечикса овқат емай қўйишлари мумкин эди; ўзимни ҳам, ижодимни ҳам ҳеч қачон биринчи ўринга қўймадим (ўз хоҳишини билан албатта). Балки бу бошқаларга маъкул бўлмас, аммо мен шундай яшадим...

— Халқнинг сеvimли фарзанди Муҳаммад Юсуф нималари яхши кўрарди-ю, нима-ларини хушламас эди?

— Муҳаммад ака бировга хушоманд, ёлгонни, зиёфатларга, туйларга боришни, қўп гапирнишни, дангаликни ёмон кўрардилар. Улар футбол ўйнашни, ер чопишни, самимийликни, мардликни, қизларини ёнида олиб юришни, бўш вақтини улар билан ўтказишни, умуман олдий одамлар билан суҳбатлашганини ёқтирардилар.

— Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг рафикаси Назира ас-Салом билан суҳбатимизни яқунлар эканман, қўнгилдан шундай фикрлар кечди: аслида аёл турмуш ўртоғини бахтли қилиши туфайли ўзини ҳам бахтли хис қилади. Назира опа эса ҳам жуфти-халолини бахтли қилган, ҳам ҳаётда, ҳам ижодда унга елкадош бўлган, у туфайли хали-ханузгача бахт таъминчи туяётган икки қарра бахтли аёллар.

— Назира опа билан уларнинг суҳбатларида аёлларнинг турмуш ва ижод ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади. Назира опа билан уларнинг муносабати ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади. Назира опа билан уларнинг муносабати ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади. Назира опа билан уларнинг муносабати ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади.

— Назира опа билан уларнинг суҳбатларида аёлларнинг турмуш ва ижод ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади. Назира опа билан уларнинг муносабати ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади. Назира опа билан уларнинг муносабати ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади.

— Назира опа билан уларнинг суҳбатларида аёлларнинг турмуш ва ижод ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади. Назира опа билан уларнинг муносабати ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади. Назира опа билан уларнинг муносабати ҳақида сўрашганини қўйиб, аёлларнинг бахт қилишига шўнгилади.

"Adolat" мухбири Саодат МАТЁҚУБ кизи суҳбатлашди

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислол ҲАМРОЕВ
Тахрир хайъати: Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гаъвар АЛИМОВА, Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Умиджон СУЛАЙМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Ахборот, хуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Кабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Рекала бўлими — 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Саодат Рахимова
Навбатчи — Абдугани Солдиқов

1995 йил 22 февралдан чиққа бошлаган
info@adolatg.uz
adolatg-95@mail.ru
ISSN 2091-5213
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табок. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1200
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Адади — 2175
Босинида топширилган вақти — 21.00
Босинида топширилган нарҳда — 21.00
Баҳоси келишилган нарҳда — 21.00
Тахририятга келган қўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Рекала материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинги етказиб берилиши учун олубани расмийлаштирган тақшилот жавобгар.
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.